

НИЗОМИДДИНОВ Ҳошимжон
Муҳаммаджонович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
докторанти

Ўзбекистон, Тошкент
hoshimjonmizzomiddinov@yandex.ru

АНВАР ШОҲ КАШМИРИЙНИНГ ҲАНАФИЙ ФИҚҲИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ АНВАР ШАҲА КАШМИРИ В РАЗВИТИИ ХАНАФИТСКОЙ ЮРИСПРУДЕНЦИИ

THE ROLE OF ANWAR SHAH KASHMIRI IN THE DEVELOPMENT OF HANAFI JURISPRUDENCE

Аннотация: Ушбу мақолада буюк муҳаддис аллома Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий (1875-1933) ҳақида уламолар томонидан айтилган қисқача таҳлилий маълумотлар баён этилган. Муҳаддис олимнинг илмий фаолияти, таълим олган соҳа ва фанлари, ислом билимларига қўшган ҳиссаси ҳақида ҳам бир қатор маълумотлар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: устоз, ислом, билим, ҳадис, олим, талаба, Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий китоблари, аллома, зоҳидлик, машҳур.

Аннотация: В данной статье представлены краткие аналитические сведения ученых о великом мухаддисе Аллама Мухаммад Анвар Шах Кашмири (1875-1933). Также был дан ряд сведений о научной деятельности ученого-мухаддиса в области наук, которых он изучал, и его вкладе в исламские науки.

Ключевые слова: учитель, ислам, знания, хадис, учёный, студент, книги, Мухаммада Анваршаха Кашмири, аллама, отшельничество, известный.

Annotation: This article provides a short analysis of the life as well as activity of the 1 whopping scholar Muhammad Anvar Shoh Kashmiriy (1875-1933). A great deal of deeds have been given the islamic scholar's, scientific activity, his educational institutions as well as his contribution to the knowlidges of islam.

Keywords: Teacher, islom, knowlidges, khadis, scientist, student, Muhammad Anvar Shoh Kashmiriy's books, scholar, asceticism, famous.

КИРИШ

Буюк муҳаддис, муфасссир, адиб, аллома Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий энциклопедист олим эди. Куръон ва унинг илмлари, тафсир, ҳадис ва мусталаҳул ҳадис, суннат ва унга тегишли илмлар, фикҳ ва усул ул фикҳ, ақоид ва усули дин, араб тили ва адабиёти, форс тили ва унинг қоидалари, ақлий илмлар каби кўплаб фанлардан етук аллома бўлган. Бунга кўпчилик илм ва фазилят аҳли гувоҳлик беришган. Бир кишига холис баҳо бериш. Унинг даражасини, мартаба ва қадрини англаш учун турли аниқлаш категориялари мавжуд. Масалан, ёзган китоблари, фаолият даври, айтган сўзлари, бошқа зиёлиларнинг, хусусан ўша давр уламоларининг айтган сўзлари муҳим рол ўйнайди. Анвар Шоҳ Кашмирий қандай даражадаги илм кишиси эканлиги ҳақида жуда кўпчилик олиму фозиллардан маълумотлар келган бўлиб, улар орасида диққатга сазовор, тилга олмас бўлмайдиганларини келтирамиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кўпчилик уламолар Анвар Шоҳ Кашмирийни “Замонасининг Байҳақийси” дейишган. Бунинг сабаби шуки, Имом Байҳақий шофеийлик мазҳабида бўлсалар ҳам, Имом Шофеийдан кейин яшаб ўтган бўлсалар ҳам олимлар: “Бутун Шофеий мазҳабидагилар Имом Шофеийдан қарздор, Имом Шофеий эса, Имом Байҳақийдан қарздор” дейишган. Чунки Имом Байҳақий шофеийлик мазҳабининг далилларини, ҳужжатларини оят ва ҳадислардан исботлаган буюк муҳаддис бўлган. Аллома Анвар Шоҳ Кашмирий ҳам ҳанафийлик мазҳабида улкан хизмат қилгани, етук муҳаддис бўлгани учун “Ҳанафий мазҳабининг Байҳақийси” дейишган.

Аллома, факих, воиз, мингдан ошиқ асар муаллифи Ашраф Али Таҳонавий (1280-1362 х. йй.) Кашмирий ҳақида шундай дейди:

“Ислом умматида унга ўхшашининг борлиги Ислом динининг ҳақ ва тўғри дин эканлигига далилдир” [6:226].

Шайх Таҳонавий бу гаплари билан агар Кашмирийдек олим бўлмаса, бу дин ҳақ бўлмасди, деган маънода эмас, балки Ислом дининг ҳақ дин эканлигидан бу динда мана шундай олимлар юзага чиққан, демоқчи. Чунки агар ислом динида озгинагина хато ё ҳақсизлик

бўлганда эди, бундай аллома зотлар бу дин узра қолишмасди.

Девбанд университетининг ректорларидан Шайх Ҳабибурроҳман Усманий (ваф. 1348 х. й.) айтади:

“Кашмирий ишончли, парҳезгор, тақволи, хофиз, хужжат, муфассир, муҳаддис, ақлий ва нақли илмларда денгиз мисоли, қийин масъалаларни ечишда ҳақиқий пешво шайхдир” [6:231].

Саид Сулаймон Надавий (1302-1373 х. йй.) айтади:

“У худди Тинч океанига ўхшайди. Ташқи кўриниши тинч, сокин, ичи эса қимматбаҳо дуру маржонлар билан тўла” [1:163].

Шайх Шабир Аҳмад Усманий айтади:

“У – мисли йўқ, тенгсиз, салаф-олдинги уламолар фахри, халаф-кейинги уламолар хужжатиدير” [6:227].

Шайх Маҳмуд Ҳасан Девбандий шогирди Ҳиндистоннинг катта муфтийларидан Муҳаммад Кифоятуллоҳ Дехлавий (1312-1382 х. йй.) айтади:

“У – фазилатли, комил, етук олим, ўрناق бўлувчи фозил шахс, билимдон, пешво, илм денгизи, асрининг билим шахри, замонасининг намунаси, устозлар устози, уламолар раиси, бетакрор муҳаддис, тенги йўқ муфассир, ақлий ва нақлий илмларда мохирдир” [5:87].

Машҳур ҳадис олимларидан Саноуллоҳ Ал-Амр Тустарий (1287-1367 х. йй.) Кашмирий ҳақида “Унга ўхшабини кўрмадим” деган.

Миср шайхи Муҳаммад Абдуҳ шогирди, тафсирчи, ҳадис олими, тарихчи, адиб, ислохотчи Саййид Муҳаммад Рашид Ризо Девбанд университетига ташриф буюриб, Кашмирийнинг маърузасини тинглагач шундай деган:

“Агар бу илм масканини ва бундай уламоларни кўрмаганимда Ҳиндистондан жуда маҳзун бўлиб қайтардим” [6:71].

Аллома Али Ҳанбалий Мисрий Девбандга ташриф буюриб, Шайх Кашмирий билан турли мавзуларда баҳс-мунозара ўтказгач шундай деган:

“Араб юртларига сафар қилдим. Замондош уламолар билан кўришдим. Мисрда бир неча йиллар ҳадисдан дарс бердим, лекин унга ўхшабини кўрмадим. Ундан устун келиш, тортишувда ғолиб бўлишга қанча уринмай, бунга эришолмадим. Унинг тайёргарлиги,

ҳозиржавоблиги, уйғоқ ва ўта ишида мохирлиги, узокни кўра билиши, буюк заковати олдида лол қолдим” [5:88].

Ўзи Ҳижоз ўлкасига кўчиб бораркан, ўз ўрнини, яъни Девбанд университетининг раҳбарлигини Кашмирийга топшириб кетган “Шайхул Ҳинд” Маҳмуд Ҳасан Девбандий айтади:

“Аллоҳ унда илм ва амални, сийрат ва суратни, зуҳд ва парҳезгорликни, тўғри фикр ва ўтқир зехни жамлаган” [6:224].

Муҳаммад Зоҳид Кавсарий (ваф. 1952 й.) Кашмирийнинг илмига шундай баҳо берган:

“Ҳадисларда келган нодир жойларини топиб, уни очиб беришда Ибн Ҳумомдан кейин Кашмирийга ўхшаши келмаган” [2:26].

Зоҳид Кавсарий яна ўзининг “Таънибул хатиб” асарининг 166-бетида шундай ёзади:

“Аллома, ҳибр (олим), баҳр (илм денгизи) Анвар Шоҳ Кашмирий.”

Кашмирийдан ҳадис ва эски фалсафа таълимини олган буюк олимлардан Шоҳ Абдулқодир Роибурий (ваф. 1382 х. й.) айтади:

“Шак-шубҳа йўқки, Шайх Кашмирий Аллоҳнинг мўжизаларидан биридир” [5:88].

Мустафо Собрий (ваф. 1954 й.) бир масъалани зикр қилиб, “Бунинг айнан ўзини Ҳиндистонлик бир олим томонидан ёзилган “Миркоту-д-дорам ли худуси олам” китобида гувоҳи бўлдим, “Қарашларимизнинг бир хил эканлиги мени жуда хурсанд қилди” [4:56] деган.

Кашмирийнинг шогирди Муҳаммад Юсуф Баннурий (ваф. 1977 й.) устозига атаб “Нафхатул анбар фи ҳаяти Анвар” деган китоб ёзган ва у ҳақда шундай деган:

“Зухду тақвоси, қийинчиликларга сабри, виқори, қаноати, илмларда мохирлиги, босма ва қўлёзма китоблардан хабардорлиги, форсча ва арабчада етук шоирлиги, кечаю кундуз китоб мутолаа қилиши, мужтаҳид имомларнинг ихтилоф қилган масъалаларда инсофли, холис позитсияси, нозик табиати бетакрор хислатлардандир. Усул ва фуруъ илмларида имом, диroyт илмида мужтаҳид, тарих ва сиярни яхши билган бир олим эди” [6:71].

Ўн йил давомида шогирдлик қилган Бадрул Олам Миртаҳий устози ҳақида шундай деган: “Агар Кашмирийни кўрсанг ҳадисларни ёдлашда имом Заҳабийни кўргандек бўласан,

ҳадисларни сақлаш ва пишиқликда Ҳофиз ибн Ҳажар билан, шеърят борасида Бохтарий билан, масъалаларга нозик боқишда Ҳофиз ибн Дақиқ билан рақобатлаша оладиган кишини кўрган бўласан” [3:44].

Покистонда ҳадис таълими билан умрини ўтказган олим Иброҳим Мир Саёлкутий (ваф. 1376 х. й.) айтади:

“Ким илмни тўла ўзида мужассам этган кишини кўрмоқчи бўлса, Шайх Анвар Шоҳ Кашмирийга қарасин” [5:87].

Покистоннинг миллий шоири Муҳаммад Иқбол (ваф. 1938 й.) Кашмирийдан кўп таъсирланган ва унинг ақлий ҳамда фалсафий қарашларига мурожаат қилган. Муҳаммад Иқбол Аллома билан ақоид, фалсафа ва турли хусусларда баҳс юритгач, чуқур дунё қараши ва ўткир илму маърифатига баҳо бериб шундай деган: “Ислом олами охирги беш юз йилликда Кашмирийга ўхшаган олимни чиқаролмаган” [7:129].

Абдулфаттоҳ Абу Ғудда ўзининг “Тарожиму ситта” номли асарида ислом оламида йигирманчи юз йилликда яшаган олти буюк факих ҳақида сўз юритиб, улардан бири деб Анвар Шоҳ Кашмирийни келтирган ва Аллома ҳақида шундай деган:

“Асрининг имоми, муҳаддис, муфасссир, факих, усул олими, мутакаллим, мутасаввиф, шоир, луғатшунос, мунаққид ва муҳаққиқ Анвар Шоҳ Кашмирий” [3:45].

Шайх Кашмирий дунёнинг молу мулкига кизикмас, ҳатто таълимни холис Аллоҳ учун, маошсиз берар. Ойлик маошга эҳтиёж туғилганда ҳам зарур миқдорда, кифоя қиладиган даражадагина оларди. Ўша мажбур бўлиб олган маошларига ҳам афсусланиб, йиғлаб, уларни ҳам олмасдан дин йўлида, илму маърифат таратишга холис, ивазсиз хизмат қилолмаганига ачинарди. Шогирдларидан Шайх Бадру Олам Алломага: “Олти саҳиҳ китобларнинг бирига шарҳ ёзганизда эди, сиздан кейинги фарзандларингизга манфаати етарди.” деганда, Кашмирий унга жавобан: “Бутун ҳаётим давомида ҳадислар билан озиқландим, вафотимдан кейин ҳадисларимни сотишимни истаяпсанми?! Фарзандларимга Аллоҳнинг ўзи етарлидир” [6:209], деган. Шундан кейин яна узоқ йиғлаб бундай деган: “Илмни дунё топиш учун талаб қилмадик” [6:212].

Раббоний уламоларнинг ҳолати мана шундай бўлган. Илмни дунё топиш учун эмас, балки Аллоҳнинг розилигини топиш учун исташарди. Молу мулкка меҳр қўйишмас, дунё асосий ғаму ташвишлари, мақсадлари эмасди. Кифоя қилгудек нарсага, ўзларига насиб этганига рози бўлишарди.

Шу ўринда интернет сайтларидаги баъзи бир мақолаларда кенг тарқалган икки воқеани ҳам келтириб ўтишни ва уларни таҳлил қилишга қарор қилдик:

“Ёшлик чоғларидан етим қолган Анвар Шоҳ Деҳлидаги Шоҳжаҳон масжидида тиланчилик қилган. Бир куни унинг олдида бир бой инсон келади ва Анвар Шоҳга: “Ўғлим туришингдан заковатли болага ўхшайсан илм ўқимадингми?” дейди. Анвар Шоҳ “Мени ўқитадиган ота-онам йўқ” деб жавоб беради. “Мен ҳамма харажатларингни кўтараман, илм ўқийсанми?!” дея болакайни етаклаб, ўша вақтнинг буюк олимларидан бўлган Маҳмуд Девбандий ҳузурига олиб боради. Мана шу билан илм йўлидан ажралмай, буюк даражаларга эришди.”

“Анвар Шоҳ Кашмирий «Саҳиҳи Бухорий»га «Файзул Борий» деган шарҳ ёзиб машҳур бўлиб кетган вақтларида дунёнинг энг машҳур уламолари (улар орасида Миср муфтийси Рашид Ризо ҳам бор эди) 300 нафар араб олимлари билан Деҳлидаги Шоҳ Жаҳон масжидига Анвар Шоҳ Кашмирийни зиёрат қилгани келишган. 300 нафар олим билан сўрашиб чиққанларидан сўнг ҳазрат деворга суяниб, йиғлаган эканлар. Шунда Рашид Ризо йиғи сабабини сўраганда, у зот:

— Бир пайтлар мен шу ерда гадоилик қилардим. Бир неча марта калтак ҳам еганман. Бир пайтлар менга нон бермаган бу гўшада илм сабабидан бугун дунёнинг энг забардаст олимлари қўлимни ўпди... деб жавоб берган экан”.

Бу икки воқеа ҳақида ҳеч қандай асосли манба топилмади. Манбаларда Анвар Шоҳ зиёли оилада дунёга келгани, отаси Сухровардия тариқатидаги шайх, катта олимлардан бўлгани, онаси ҳам ўта ибодатли, солиҳа, тақводор аёл бўлганлиги маълум. Кашмирий солиҳ, қарамли ота-онасининг меҳрибонлиги соясида, нозик ва гўзал тарбияси остида ўсгани маълум. Қолаверса, бошланғич таълимни 7-9 ёшигача

отасидан олгач, айнан отаси томонидан устозларга олиб борилгани, улар Анвар Шоҳга берадиган илми қолмаганини ҳис қилгач, отасидан уни бошқа устозга олиб боришни сўрагани ҳақида манбаларда очиқ маълумотлар келган[6:13]. Ҳатто Кашмирий вафот этганда, отаси 110 [2:22] ёшда ҳали ҳам ҳаётда эканлиги аниқланди. Шундан келиб чиқиб бу икки воқеа Кашмирий ҳақида эмаслиги, балки тўқима эканини исботланди.

Шайх Кашмирий дунёнинг молу мулкига қизиқмас, ҳатто таълимни ҳолис Аллоҳ учун, маошсиз берар. Ойлик маошга эҳтиёж туғилганда ҳам зарур миқдорда, кифоя қиладиган даражадагина оларди. Ўша мажбур бўлиб олган маошларига ҳам афсусланиб, йиғлаб, уларни ҳам олмасдан дин йўлида, илму маърифат таратишга ҳолис, ивазсиз хизмат қилолмаганига ачинарди. Шогирдларидан Шайх Бадру Олам Алломага: “Олти саҳих китобларнинг бирига шарҳ ёзганизда эди, сиздан кейинги фарзандларингизга манфаати етарди.” дегенда, Кашмирий унга жавобан: “Бутун ҳаётим давомида ҳадислар билан озиқландим, вафотимдан кейин ҳадисларимни сотишимни истаяпсанми?! Фарзандларимга Аллоҳнинг ўзи етарлидир” [6:209], деган. Шундан кейин яна узоқ йиғлаб бундай деган: “Илмни дунё топиш учун талаб қилмадик” [6:212].

Раббоний уламоларнинг ҳолати мана шундай бўлган. Илмни дунё топиш учун эмас, балки Аллоҳнинг розилигини топиш учун исташарди. Молу мулкка меҳр қўйишмас, дунё асосий ғаму ташвишлари, мақсадлари эмасди. Кифоя қилгудек нарсага, ўзларига насиб этганига рози бўлишарди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, дунёнинг қайси бир бурчагида бўлмасин дунё, хусусан ислом тамаддунига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олимларни, фидоийларнинг ҳаёт ва фаолият йўллари ўрганилиши, қолдирган мерослари тадқиқ ва тадбиқ қилиниши, уларнинг намунавий, ўрнак бўладиган жиҳатларини ўрганиб, улар тутган йўлдан бориш бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра муҳим ва долзарб бўлиб турибди.

Юқорида мазҳаблари турли, юртлари турли жойларда бўлган катта-катта уламоларнинг Кашмирий ҳақида айтган мақтовларидан маълум бўляптики, уларнинг наздида Аллома Кашмирийнинг катта илмий даражаси ва юксак мақоми бор. Шундай экан алломанинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш, фикҳий ва эътиқодий қарашларини ўрганиб, ҳанафий фикҳи ҳамда мотуридий эътиқодини қувватлантириш талаб этилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулҳай Лакнавий. Нузҳатул хавотир. – Ж. 8. – Байрут: Дор Ибн Ҳазм, 2000. – Б. 1198.
2. Абул Фаттоҳ Абу Ғудда. Муқаддимату ала “ат-Тасрийх бимо тавотара фи нузули-л-Масих” ли Анвар Шоҳ Кашмирий. – Байрут: Дорул қалам. 5 нашр, 1992. – Б. 388.
3. Иброҳим Анар. Анвар Шоҳ ал-Кашмирийнинг ҳадисчилиги. – Қарамаи: Қарамаи ўғли Меҳметбей университети, ижтимоий фанлар институти, 2020. – Б. 186.
4. Мустафо Сабрий Афандий. Мавкифу-л-ақл вал илм вал олам мин роббил оламин. Мактабатул асрийя. 2012 – Б. 2019.
5. Муҳаммад Абдуллоҳ Ансорий. Аш-Шайх Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий ароҳул иътиқодийя. – Макка: Уммул қуро, 2000. – Б. 400.
6. Муҳаммад Юсуф Баннурий. Нафхатул анбар фи ҳаяти Анвар. – Қаротший: Мактабатул Баннурийя. 2 нашр. 1424.– Б. 349.
7. Шоҳид Расул Кокоҳел. Ал-Аллома Муҳаммад Анвар шоҳ Кашмирий фий доъби интажатиҳи-л-адабийяти вал илмийя”. Баҳавалпур ислом университети. – Покистон, 2009. – Б. 300.
8. Аминов Ҳ., Исмоилов М., Абиев Ҳ., Абдуллаев Б. Шарҳ Сунаи Термизий. – Тошкент: Ирфон Нашр, 2021. – Б. 400.